

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ •

• Баҳоси эркин нарҳда •



НАСИБА АБДУЛЛАЕВА ЭРИ ЭЛДОР АБДУЛЛАЕВ БИЛАН

Нормурод МУСОМОВ сурати

## БИРИНЧИ БЎЛИБ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА

1-июн Халқаро болалар куні сифатида нишонла-нишини ҳамма билса керак. Мана шу муносабат билан яқинда Тошкент вилояти Болалар жамғармаси бўлими-да пленум бўлиб ўтди. 27-майдан 2-июнгача бўладиган «Меҳр байрами» тадбири маъқулланди.

Тошкент вилояти Болалар жамғармасининг навбат-даги пленумида бошқа масалалар билан бирга ушбу байрам юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди. Ҳар бир ту-ман учун махсус мутасаддилар тайинланди.

Тадбирда қариндош уруғлариникида яшайдиган етим болалар ва уларнинг васийларини таклиф қилиб уларга ёрдам қилиш, турар жой, корхона ва жамоя хўжаликлар-ида бу кунга атаб кечалар ташкил этиш кўзда тутил-ди. Шунингдек, жамоаларнинг соф фойдаларидан ёрдам тариқасида Тошкент вилояти Болалар жамғармаси ҳисоб счётига 000700013 Тошкент УКБ Рустамбанкка пул ўтказиш тавсия этилди.

## КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

КАШМИРЛИК ҚИЗ:

 МЕН МИРЛАР  
АВЛОДИДАНМАН


МУКАРРАМА ҒАНИЖОН ҚИЗИ:

«БИЗ АҲИЛ ЯШАРДИК...»

«Оила ва жамият» 18 (141)

## «МУСЛИМА ШАҲИД» БЎЛДИ

Ровийлар андоғ ривоят қилди.

Кўхна «Авлиё ота» қишлоғида, ўзига тўқ оилалардан бирида ақли, ниҳоятда гўзал қиз яшарди. У ҳали баловатга етмаган, инчунин ҳовлида укаларини ўйнатар, уларга қўшилиб ўзи ҳам ўйнаб юрар эди. Шундай кунлардан бирида бегона эркак бир юмуш билан шу ҳовлига кирдию номаҳрам нигоҳларини қизга тикди. Қаттиқ тикилди. Дилига бир ният туғилди. У қизга шайдои бўлиб қолди.

Қизнинг исми Муслима эди. Уша кундан бошлаб уларниқига совчилар танда қўйдилар. Совчиларни ўша, Муслимани ҳовлида бир кўрган эркак пешма-пеш жўнатар, қизнинг ота-онаси эса, ҳали қизлари турмуш қургудек бўлиб вояга етмаганлигини таъкидлаб, уларни қайтарарди. Ҳалиги «ошиқ» эркак сездик, орага совчи қўйиб бирор натижага эри-

шиш қийин. У энди қиз ҳовлиси атрофида шарпадек келар, юмуш қилиб юрган Муслимага тирқишлардан беҳаё назарини тикарди. Бу нарса шунгача бордики, қизнинг отаси уни билиб қолиб, ҳайдаб юборди.

«Шайдои» бундан гаранг аҳволда бир неча кун юрди. иттифоқо, Муслима икки дугонаси билан «Паймарт» қишлоғига меҳмон бўлиб кетганини, ҳали-замон қайтишини эшитиб қолиб, йўл пойлашга тушди. Авлиё ота билан Паймартни туташтирувчи йўл адирларни кесиб ўтади. Йўлнинг четлари тақир, фақат бир жойдагина улкан тош қаққайиб турарди. «Шайдои» шу тош панасида Муслимани кута бошлади. Анча вақт кутгач, узоқдан шўху беғам гурунлашиб келаётган уч қизнинг қораси кўринди. Харсангош ёнидан ўтишарганида Муслиманинг юраги орқасига тортиб кетди. «Шайдои» унга типпа-тик

бостириб келиб, маҳкам ушлаб олди, дугоналарига даф бўлишни буюрди. Қўрқиб кетган қизлар на қилсин, қишлоққа қараб дод солиб югурдилар...

Алқисса, қишлоққа бориб келгунча ўтадиган фурсат ҳам бир соатлар чамаси эди. Бу вақт ичида етиб келган одамлар шўрлик Муслимани йўл ҳолда топдилар...

Сизларга айтмоқчи бўлган мухтасар ҳикоямиз шу. Биз шартли равишда «шайдои» деб атаган кимсанинг номи ва унинг кейинги ҳаёти ҳақида ровийлар тўхтамайдилар. Аммо, улар ҳали ҳаёт қабиҳликларини англаб ҳам улгурмаган боқира қиз — Муслима номини яхши эслашади. У ўлдирилган жойини эса, одамлар то ҳозиргача «Муслима-шаҳид» деб атаб келишади.

Икром ИСКАНДАР ўғли  
Ғаллаорол тумани,  
«Авлиё ота» қишлоғи

Етти кун

### ЎРНАК

Самарқанднинг Қўшрабат тумани «Қувалла» қишлоғилик 1966 йилда туғилган йигитларнинг ушқоқлигига бутун қишлоқ «беш» кетди. Йигитлар ўрта мактабни тугатганига 10 йил тўлиши муносабати билан қишлоққа янги чойхона қуриб беришди.

Яна, чойхона очилиш маросимида ҳам ҳаражат қилишиб, улар қишлоқдошларига икки қозон ош дамлаб бердилар.

### КАМЕЪ КАМТАРЛИК

Табиати муҳофаза қилиш Қашқадарё вилоят кўмитаси экологик экспертиза бўлими ҳисобчиси Раёно Муқимова ҳаммакн ҳайратда қолдирди. У ўзига тегишли 50 минг сўмлик мукофотни олишдан воз кечди. «Топширилган вазифани кўнгилдагидек уддалай олмаганман, шунинг учун мукофотни олишга виждоним йўл қўймади» деди у.

### ГУГУРТДАН... МИЛЛИОН

Хоразмлик бир акахонимиз ишни ҳамisha пухта қилишни писанда қилиб, ўз «доно»лигини шундай изоҳлади: «Бундан атиги тўрт йил аввал ортиқча минг сўм пулимга бир неча қоп гугурт олиб қўювдим. Гугурт чириб кетадиган матоҳ эмас... Ҳар бир қутиси бир трийнмига тушган бу гугуртларни бугун бир неча миллионга қақверинг, ука!..»

### АННА ХОНИМ ЧАРЧАГАНИ ЙЎҚ

Олмония Қизил Ҳоч жамияти томонидан Хоразмга жўнатилган ўн уч ярим тонна микдордаги, 500 минг олмон маркаси қийматли ноёб дори-дармонларнинг узоқ юрт босиб келиши осон кечмади. Қизил Ҳоч жамияти вакиласи Анна Рюф хонимнинг эътирофича, [дори-дармонлар ортилган юк машинасидаги ягона аёл] улар ўн кун чўлда адашиб, бир қултум сувга зор пайтларда ҳам тушқунликка тушишмади. Чунки бу ёқда уларнинг инсонпарварлик ёрдамларини кексалар, болалар кутаётганини билишарди. «Йўл азоби оғир. Шунча машаққатлардан сўнг яна Хоразмга келармидингиз!» деган саволга Анна хоним ҳеч иккиланмай. «Ҳа, албатта!» деб жаовб берди.

### «СПОРТ» — «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ»: — 6:5

Ва ниҳоят «Оила ва жамият» ҳамда «Спорт» газети жамоалари футбол майдонида куч синашдилар. Учрашувни таниқли футбол мутахассислари ва «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози» газеталаридан вакиллар кузатишди.

Тўхтовсиз ҳужумлар билан ўтган учрашув 6:5 ҳисобида «Спорт» чиларнинг галабаси билан якунланди. Уйндан сўнг мутахассислардан сўралган «ҳисобнинг бу даражада «даҳшатли» бўлишига сабаб нима!» деган саволга «Кўп йиллик тажрибадан келиб чиқадиган бўлса, «Спорт» жамоасида бош муҳаррир Сафар Остон, таниқли уролог врач Уктам Муҳаммад Мурод, «Оила ва жамият»да эса сеvimли актёримиз Соат Шариповлар тўп суришганидан бўлса «ажабмас» дейишмоқда.



ҲОРДИК

## СОВУРИЛГАН БАХТ

...Сабоҳат тақдирнинг бе-шафқат «ўйини» олдида қари қиз бўлиб қолишни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Ахир жозибадор ҳусни жамоли билан бир вақтлар синфдошларининг қалбини ром этганлиги ҳали ҳануз кўпчиликнинг ёдидан кўтарилган эмас. Дастлаб Қодирдан келган совчиларни умидсиз қилиб қайтаргани учун ўзини ҳечам кечиролмади. Мана тиббиёт техникумини тугатиб марказий шифохонада ҳамшира бўлиб ишлаётганига ҳам 15 йилдан ошибди. Бора-бора қишлоқдошларининг наздида «шаҳар кўрган бу қизнинг уйдан совчиларнинг оёғи узилди.

35 ёшга қилиб «энди бахтим очилди» деганда яна олдида катта тўсиқ пайдо бўлганини кўриб эсанкираб қолди. Узи билан бирга ишлайдиган Мамаюсуф исмли истараси иссиққина йигит «жоним опам, жаҳоним опам» деб ҳар кўрғанда эрка-

лаб сўрашарди. Узун-узун сўхбатлар бир лаҳзалик ширин тунларга уланди-ю Сабоҳат билан Мамаюсуфнинг тақдирларини чигаллаштириб юборди. Бир неча кун ўтгач йигитнинг ширин оғушида юрган Сабоҳат унинг уч фарзанди борлигини кимданкир эшитди. Узидан 8 ёш кичик бу йигит «ҳали уйланмаганман» деб Сабоҳатни чўв туширганди.

— Менга уйланмасанг сени қаматаман,— деди Сабоҳат буш келмай Мамаюсуфга.— Хотининг ва уч фарзандинг борлиги мени қизиқтирмайди. Йикинчи хотин қилиб олсан.

Бу гаплардан сўнг Мамаюсуфнинг оиласида можаро бошланди. Умр йўлдоши Азизани бор гапдан воқиф қиларкан, «Сен билан ҳам, у билан ҳам яшайман, рози бўлишинг керак» дея шарт қўйди. Гап янада чигаллашавергач, нафрат билан «сенга

катта кўча, тўрт тарафинг очик» дея бақирди. Ота-онаси қон йиғлаб қолган Азизани олиб кетмоқчи бўлишди. Аммо қайнота ва қайнонаси Азиза тарафида эканлигини айтиб ажримга рўйхушлик бермади. «Мамаюсуф кетса кетсин, лекин невараларимдан воз кечмайман» деди кўзига ёш олиб қайнона.

Хуллас, бир марта қўйилган ноқўя қадам икки оиланинг дарз кетишига сабаб бўлди. Йигит бир сониялик кайфу сафо учун бутун бошли рўзгорини гаровга тикди. Кундан-кунга уч нафар фарзандига бўлган меҳри сўниб бора бошлади. Қўл кўтариб уларнинг дилига озор етказди. Сабоҳат эса бўлажак кундоши Азизани йўқ қилиш учун турли найрагларни топа бошлади. Ҳатто Азиза ўтирган хонадонда «қадрли меҳмон» бўлиб қайтди. Безбетликни одамийликдан ус-тун қўйди. Барча айбни Мамаюсуфга тўнади. «Мен-

га ароқ ичириб номусимни топтади» дейишни ҳам унутмади. Аслида Мамаюсуфга жонанон «опа» бўлиш Сабоҳат ўз ихтиёри билан розилик билдириб унинг ҳаётини издан чиқармадимми! Ушбу савол бировнинг бахтига чанг солаётган қизларни бир зум ўйлашга мажбур этса қанийди. Сабоҳат учун йигитнинг оиласини билиш биринчи галдаги вазифа эмасмиди! «Тузоққа илмитирсам марра меники» деган хаёл наҳотки унинг қалбини бутунлай чўлгаб олган бўлса!

...Шарофат дугонаси Гулдона билан айна баҳор чоғида тоққа отланди. 5 нафар фарзанднинг онаси учун ҳали эрга тегмаган дугонаси билан тоққа бориш жуда қимматга тушди. Саёқ юришини одат қилган икки бойвачча йигит билан бирга йўлга қикшиди. Оқ «жигули» узун-узун йўллари ортада қолдириб ўркак-ўркак тоғларга ошиқарди. Шарофат Абдулланнинг сермулозамат ва илтифотли йигит эканлигиндан кўнгли тўлиб ишонч билан бораётганди. Тоғдаги зиннат ниҳоятда кўюқлашди. Шарофат ва Гул-

доналар йигитларга конякни «ширин» қилиб беришарди. Гулдонани-ку бўлари бўлди. Бироқ гулдай рўзгори бўлган Шарофат ҳам тунги соат 12 гача йигитлар билан тоғда қолиб кетди. Фарзандларини ҳам унутди, ёри Азимжонга ҳам хиёнат қилди. Кунлар кеттидан кунлар ўтиб, Шарофат бегона йигит билан тузоққа илди. Азимжон «этагини қоқдию» — уни ташлаб кетди. Фарзандлар эса ора йўлда сарсон-саргардон. Қилгани она қилдию лекин болалар азият чекишди. Қани бу ерда оналик меҳрию аёллик латофати! Беғунога ота қалбининг оғриқ изтиропларига ким малҳам бўлади!

Маҳзун қалбларда садоқатнинг оҳу-фигонлари элас-элас эшитилади. Елғон ҳис-сизига берилган вужудди разолат ботқоғига ботиб кетмаслиги учун ҳар кимнинг ўзи курашадиган даврлар келди.

...Қизлар, бировнинг бахтига чанг солманг. Зеро, етми қолган фарзандларнинг кўз ёшлари бировнинг оиласини бузиб ўзига бахт ахтарганини умрбод тинч қўймай.

Ғайрат БОБОҚУЛОВ

# ШОШМАНГ... КЕЧИКМАДИНГИЗМИ?

Ота-оналик бахтига муяссар бўлмасдан, ҳаётдан нолиб ўтганлар ҳам анча. Бироқ бу бахтга мушарраф бўлгандан сўнг муҳим муқаддас бурч ҳам берилдики, бунга роя қилмоқ имон ва инсофли ҳар бир инсоннинг бажариши зарур бўлган вазифасидир. Булар фарзандни соғ ва саломат ҳолда улғайтириш, билим бериш ва ҳунар ўргатиш, уйли-жойли қилиш. Лекин биринчи бурчга эътибор бермаслик оқибатида майиб, мажруҳ, касалманд, нимжон, ногирон болалар ҳаёт қозонида пайдо бўлмоқдалар.

Агар бу масаланинг туб моҳиятига эътибор ва синчковлик билан қаралса, ҳаёт аталмиш буюк неъматдан етарлича баҳраманд бўла олмаётган ёки ундан бутунлай маҳрум болалар жамиятнинг тўлақонли аъзолари бўлиб етишмоқлари қонуний бир ҳол эди. Гап ўзи нима ҳақда кетаяпти, дейсизми? Келинг, асосий мақсадга ўтайлик.

Тўрт яшар Нигинанинг онаси қизалоғининг пешоби нотиниб бўлаётганидан ташвишланиб, шифокорларга мурожаат қилди. Пешоби анализиде эса тузлар-оксалат миқдори ошган, холос. Уч кундан кейинги анализда ҳам худди шу ҳол кузатилди. Қизалоғи пешоби нима учун бу тарзда ўзгарганлиги, келажақда бу қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини билиш, энг асосийси, қизчанинг келажақ тақдири тўғрисида қайғуриш онаси Республика Болалар Буйрак Марказига етаклади. Онанинг биринчи саволи шундай бўлди: «Айтингчи, дўхтир, боламнинг тақдири 25-30 йилдан кейин нима бўлади?!». Эътибор қилаясизми, онанинг қай даражада узокни кўзлаётганига! Қизалоқнинг ҳаёт тарзи обдон суриштирилган, унинг пешоби билан оксалат тузлари кўпплаб чиқётганлиги овқатланиш сабабидан эканлиги аниқланди (қизалоқ шоколад ва қарам шўрвани ёқтирар экан). Бу меъёрий ҳол. Аммо баъзи бир нарсаларни аниқлаш учун 20 кунга зарарсиз, аммо модда алмашинувга таъсир қилиб, уни меъёрлаштирадиган дори белгиланди. Маълум муддат ўтган, қизалоқ пешобида мутаносиблик пайдо бўлди. Онанинг кўнгли тинчиди. Шу жумладан, шифокорлар қалбида ҳам қониқши ҳисси пайдо бўлди.

«Вой-буй! Шунга шунчами? Ахир бизнинг боламизнинг пешоби неча марта лойқаланиб, неча марта қизарган. Ҳатто қип-қизил сийган маҳаллари ҳам бўлган. Мана ҳозир катта полвон йигит!», — дегувчилар ҳам топилади. Бироқ кўза кунда эмас, кунда синишини ва барчани бир қолида кўриш ҳаёт мантисига тўғри келмаслигини унутмаслик лозим. Бунинг исботи сифатида қуйидаги воқеага эътибор қилсангиз.

Бир кун Баҳодирнинг иссоғи чиқиб, сийдиги билан йиринг кела бошлади. Бисла туман шифохонасида 10 кун даволанди. Ҳар хил дорилар, уколлардан кейин боланинг аҳоли анча яхшиланди. Шундан сўнг боланинг ота-онаси уни вилоят марказидаги машҳур шифокорга кўрсатди. Бу шифокор аслида медицина институтини битирганидан кейин травматолог (суяк синиши ва чиқиси бўйича мутахассис) бўлиб ишлар, аммо уйда ҳам касалларни қабул қиларди. Унинг ҳузурига кириш 2000 сўм-купон экан. Халқ соғлиги йўлида дам олиш вақтини ҳам аямасдан хизмат кўрсатиш яхши, албатта. Аммо бу ниятни нафс балосига едиртириб, бемор манфаатини тамоман унутиш имоннинг шайтонга таълим бўлганидан далолат, беради. Уша «машҳур» (энди уни шундай кўштироқ чичга олишга мажбурмиз) шифокор тўғри ташҳис қўйиш ва даволаш ёки тўғри маслаҳат бериш ўрнига аллақандай дорилар берибди, тўғриси, сотибди (эх, нафс балоси!) Бу дорилардан ҳеч қандай наф бўлмаган ота-она вилоят марказидаги «Шарқ» табобати» масканига мурожаат қилибдилар. Бу масканда боланинг томин уришига асосланиб, боланинг дардини «аниқлашибди».

Шу аснода томир уришига асосланиб, ташҳис қўйишга озгина тўхталаск. Тўғри, томир уришига асосланиб (секин, тез, тўлиқ, майин, сокин, элас-элас, қаттиқ, бетартиб, маролий, қўшимча уриш, ва х, қ), кўпгина юрак-томир касалликларига ташҳис қўйиш мумкин. Мия ёки руҳий фаолият мувозанати огши, издан чиқиси, ҳис-ҳаяжон мутаносиблигининг бузилишларини аниқласа бўлади. Агар томир уриши кўсурлари организмнинг бошқа аъзоларига биллинаётган, сезилётган белгилар билан жамланса, қиёсланса, бир тизимга солиниб, таҳлил этилса, жуда ҳам аниқ ташҳис қўйиш мумкин. Лекин фақат томир уришига нисбат бериб, қайси ички аъзода қандай дард борлигини ҳозирги фан ривожига даражасида аниқлаш асло мумкин эмас. Табобатдан мутлақо хабари бўлмаган инсоннинг бунга уриниши, биламан дейиши ва асослашга уриниши қалблдан, тўғриси айтилганда кўзбўямачиликдан бошқа нарса эмас.

Баҳодирга нисбатан ҳам худди шундай бўлди. Но-тўғри ташҳис қўйиш, аллақандай гиёҳларни буюришган, Кошки фойдаси бўлса! Кейин эса буйрақларини ультратовуш аппаратида кўришган, унинг иккала буйрағида ҳам кўплаб тошлари борли-

ги аниқланди. Ана энди улар боланинг ота-онасига нима дейишбилар денг: «Буйрақдаги тошларни эритиб юборамиз. Ҳам сеанс ўтказамиз, ҳам тошларни эритиб юборадиган гиёҳлардан берамиз». Лекин маслаҳатнинг зўри қуйидагича бўлибди: «Зинҳор операция қилдирмангизлар. Чунки буйрақда ҳосил бўлган тешик кейин мутлақо битмайди. Бир умр қийналасизлар». Бундай «ақлли» маслаҳат табобат илмидан озгина бўлсада хабари бўлган одамдан чиқиси амри маҳол. Тўғри, Ибн Сино бобомиз буйрақдаги тошни операция йўли билан олиб ташлаш ақлсизликдир, деб ёзганлари рост. Аммо, тарих ривожланиши асосида фан ютуқларини инкор этиш инсофдан эмас. Табобат отаси саналмиш Гиппократ ҳатто қовуқдаги тошни операция йўли билан олиб ташлашга урнини тентаклик, чунки унга тиг текизиш ўлим билан баробар, деган эдилар. Ибн Синонинг қудрати шундаки, улуг бобомиз дунёда биринчи марта қовуқ деворини тиг билан кесиб, ундаги тошни олиб ташлади.

Бундан чиқадиган хулоса Сиз азиз ўқувчиларнинг ўзига ҳавола. Лекин ушбу вазиятда бир жиҳатни таъкидлаш лозимки, яъни минг йиллар давомида ривожланиб, синовлар чиғиригидан ўтган табобат илму амалиёти асосига қурилган замонавий медицинани бир-бирига қарама-қарши қўйишга интилган ва интилаётган ғаламисларгина мана шунча гапларни айтиши мумкин. Юқорида айтилган «ақлли» маслаҳатнинг баҳоси 30000 сўм-купон бўлганлигини ҳам таъкидлашга тўғри келади.

Бола бечорага сеанслар ҳам, гиёҳлар ҳам фойда бермагач, ота-она боласини тўғри Республика Болалар Буйрак марказига олиб келишди. Ҳўш, боланинг аҳоли қандай эди? 6 яшар болада худди 3 яшар боланинг жуссаси бор эди. Буртиб чиққан ёноқларидан янада ичкарига қириб кетган кўзлари маъносиз боқар, қорнига са қўл текизилса, мунгли товуш билан инграрди. Бола тезда операция қилинди: унг буйрағидан 2 литрдан кўпроқ сассик, бадбуй йиринг олиб ташланди. Демак унинг оғирлигининг бешдан бирини йиринг ташкил қилган экан!

Ана энди, ҳурматли ўқувчилар, Нигина ва Баҳодирнинг аҳолиларини қиёсланг. Эътибор қилинг: биринчи ҳолга ўхшаганлар бизнинг амалиётимизда онда-сонда учрайди, аммо Баҳодирлар деярли ҳар кунки биз билан тўқнаш келадилар. Афсус, афсус! Бунақа кўплаб фактларни эътироф этишдан нарига ўта олмаямиз, шеклли. Баҳодирлар сони камаймаётганидек, Нигиналар сони ҳам кўпаймаяпти.

Ўйлаб кўрайлик, рамақжон бўлиб, буйрағида ҳосил бўлган тошларнинг емишига айланган боланинг шу ҳолга тушмоғига ким айбдор? Тан олмоқ эса ҳақиқатни айтишга ундайди: улар учта. Биринчиси ота-онаси. Чунки улар: а) боланинг нега ўсмаётганлигига, инжиқлиғи, иштаҳаси пастлигига ўз вақтида эътибор қилишмаганлар; б) уларнинг тиббий саводсизлиги ва медицина маданиятидан мутлақо беҳабарлиги; в) боланинг ёшига нисбатан буй ўсиши ва вазнига кўпайишига умуман эътибор бермаганликлари. Улар бирон марта ҳам нима учун боламизнинг юзлари оппоқ, ёноқлари қизил эмас, иштаҳаси паст, нимжон, деб ўз-ўзларига бирон марта ҳам савол беришмаган.

Афсус билан тан олмоқ лозимки, қарийб 90 фоиз ота-оналар болалари танасида энди куртак отаётган дардга, унинг илк белгиларига ўз вақтида эътибор бермайдилар. Гўё бу эътибор рўзгор ташвишлари сирасига кирмайди, балки рўзгор ташвишлари муҳимроғу бола соғлиги пастки поғонада. Қачонки дард бор бўйи билан ўзини кўрсатганидан кейингина, «югур-югур»лар бошланади. Аммо вақт энди кеч бўлганлигини хаёлларига ҳам келтиришмайди. Ахир Баҳодирни шу ҳолга тушиши бунинг исботи эмасми? Эвоҳ, унинг чап буйрағида 18 та, ўнг буйрағида 5 дона тош бўладию, унинг дарди атиги 3 ой аввал бошланган бўладики! Наҳотки, белгилари бўлмаган бўлса? Баҳодирнинг онасидан болангизнинг сийдиги қизилтоб бўлганлигини илк бор қачон сезгансиз, дея берган саволимизга, ҳа, бундан икки йил бурун бўлудди, лекин тезда ўтиб кетувди. Кейин бу ҳодиса эсимиздан ҳам чиқиб кетди, деган жавоб олинди. Ана мантиқ!

Иккинчи айбдорлар эса маҳаллий шифокорлар. Улар шу маҳаллада ёки қишлоқда (шаҳарда) ҳар бир боланинг ўсиб-улғаяётганини назорат қилишлари, соғлиги тўғрисида қайғуришлари зарур. Бу уларнинг муқаддас бурчи. Медицина маданиятини аҳоли орасида тарқатиш, ёйиш, юксалтириш уёқда турсин, ҳатто ҳузурларига шифо истаб келган беморларга энг тўғри маслаҳат бермаётган, тўғриси беролмаётган, тўғри муолажа қўллай олмаётган шифокорлар анча кўпайиб қолганлиги рост. Улар касалликнинг олдини олиш жуда ҳам муҳим эканлигини унутишганлар. Касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олиш осон, дейилган амалий қонидан ёддан чиқаришганлар. Бу айтилган гаплар ҳақиқий эгаларини

(улар озчиликмикан ёки кўпчилик?) топар ва улар бу ёзилганлар ҳақида ўз-мулоҳазаларини билдирар, албатта.

Учинчи айбдорлар эса табобат олий масканларида замон талабларига жавоб берадиган илгор фикрли, ҳар томонлама етуқ, мукамал билим соҳиблари етишмаяпти. Қизил империянинг сон кетидан қувиб, сифат жиҳатларига мутлақо эътибор бермаслик иллати шу ҳолга сабаб бўлди. Тўғри, Мустақил Республикаимизда мана шу норасоликни бартараф этиш учун жиддий ҳаракатлар тезда ўз натижасини кўрсатади.

\* \* \*

Мана шу уч асосий сабаб бартараф этилса, касаллик пайдо бўлишидан уни даволашга сарф бўлаётган миллион-миллион маблағлар спорт иншоотлари, маданият саройлари, маънавиятни юксалтиришга сарфланган бўлар эди. Ўз навбатида, жисмоний ва маънавий соғлиқ миллий бойлик кўпайишига замин яратиши эса шак-шубҳасиз.

Ушбу мақолани ёзиб бўлиб, охириги нуқта қўйилган пайтда Қумқўрғон туманидан 13 яшар қизни олиб келишди. 8-синфда ўқир экан. Унинг аҳоли ҳақдан ташқари оғир, ҳолсиз, дармонсиз, эсхуши хиралашган, ўқийши ва қўшидан шикоят қиларди. Пешобида йиринг, қонида сийдиқчил [мочевина] миқдори ўз меъёридан 6 марта кўпайган, ички заҳарланиш ҳаддан ташқари зўр эди. Чап буйрағида ўрқи данагидек тош «Мана мен!» дея гердаиб турарди. Аниқланишича, қиз бечора бундан бир йил аввал бел оғриғидан ва иситмалашдан шикоят қилар экан. Шу орада у қанчалик дод солиб йиғлаган, белини чангаллаб чинқирган. Эътибор эса қуйидагича бўлибди: энг аввало фолбинларга фол очирдишибди. Оқибатда бир неча хўроз, товуқ, қўй сўйибди. Табибларга кўрсатилибди. Томиридан ушлаб, дардини аниқловчиларга бир неча бор мурожаат қилинган. Экстрасенслар ҳам кўп нафтли билан ўзларининг «биоток»ларининг «сеҳрини» кўрсатишибди. Ниҳоят, вилоят шифохонаси дўхтирлари ташҳисни тўғри аниқлашиб, аҳолини тўғри баҳолашиб [уларга ташақкур!], тўғри Республика Болалар Буйрак Марказига йўллама беришибди. Ана энди унинг қонини тозалаш учун бир неча бор «сунъий буйрак» аппаратини ишлатишга тўғри келади. Аммо, бир муаммо кишини ўйлантиради: қизнинг тақдири нима билан тугар экан? 20 йилдан кейин нима бўлади? Турмушга чиқиб, фарзанд кўришдек муқаддас бахтга муяссар бўлармикан! Тош буйракни тамоман кемирив улгурганмикан ёки буйракни сақлаб қолишининг уйдасидан чиқа олармиканмиз! Ҳа, текширишлар ва муолажа давом этади, эътиборсизлиқдан рўй бераётган қийин муаммолар эса шифокорларни иштироқ кечишга мажбур қилмоқда. Бундан эса бирдан-бир таянч ота-оналарнинг ўзлари. Балки бундай эмасдир!!

Жуманазар БЕКНАЗАР



БЕГУБОР БОЛАЛИК

Абдул Фани ЖУМА сурати

## «Оила ва жамият» 18 (141)

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим. Эртага, иншооллоҳ, Ер юзи узра, Тангрининг қудрат қалами бирла бино бўлган Шамс муборак кунларни қаршилаб нур сочажак. Кеч кириб Мағрибда она кўйинда эрқаланиб турган гўдакдек маъсум, беғубор ўн бир кунлик Қамар ҳам аҳли муслимларга муборакка чиққай.

Эртага тонг саҳардан озод юртимизнинг аҳли муслим фуқаролари шаҳару қишлоқ, овули маҳалла кўчаларини тўлдириб ибодатга масжидга ошқадилар. Намозгоҳга етгунича йўл йўлақай тўхтаб-тўхтаб тақбири таршиқ айтадилар...

Хўш, ўзи бу кун қандай кунки, мусулмон оламига бунчалар қувончли бўлса?

# ҚУРБОНЛИК

Эй, муҳтарам биродарлар! Бўл муборак куннинг тарихи узок, уни яратган Парвардигор ҳукми, дунёга сизу биз келмасдан анчагина муқаддам ўқилган. Унинг шартларини ёзган қалам сиёҳлари аллақачон қуриб битган. Шу боис, то Тангрининг тайин этган Қиёмат кунигача бу лаҳзалар бутун дунё муслимлари учун муборак бўлиб бораверади, уни рад этмоқ истаган қалблар муҳрланиб, қўллар жиловланиб, йўллар жаҳаннам сари юз тўтиб кетаверади.

Ривоят қилишларича, пайғамбарлар бобоси Иброҳим алайҳиссалом ёшлари анчага бориб қолган бўлсада фарзандсиз эдилар. Бир кун ул зот Аллоҳга ёлбориб, ўзига солиҳ фарзанд ато этишликни сўрадилар, шунда Парвардигор ўз пайғамбарининг дуосини ижобат айлади. Ой кунлар ўтиб, аёллари Биби Ҳожар ҳомиладор бўлдилар.

Аллоҳнинг иноятини кўрингки, дўсти Иброҳим алайҳиссаломга ўз назидан ўғил ато этди. Ота-она унга Исмоил деб ном қўйдилар. Кўп йиллар фарзанд доғида юрган пайғамбар алайҳиссалом Исмоилга шунчалик боғланиб кетдики, уни бир лаҳза кўрмаса туролмас эди. Ота-ўғил ўртасидаги бу меҳр ришталари Иброҳим алайҳиссаломнинг катта аёллари Со-

рани бот-бот ғашини келтирар, шу туфайли ҳар хил баҳоналар билан оилада жанжал чиқаришга ҳаракат қиларди. Парвардигор ўз халифининг аёллари ўртасини ислоҳ қилиш учун Иброҳим алайҳиссалом қалбига ваҳий солиб, аёли Биби Ҳожар ва фарзанди Исмоилни тоғу тошлар, қумликлар бағридаги бир чекка жойга элтиб ташлашдики амр этди. Бу пайтда Иброҳим алайҳиссалом Феластинда истиқомат қилардилар. Егулик сафар эҳтиёжларини туяга ортиб, Аллоҳ амр этган манзил томон аёллари Биби Ҳожар ва ўғиллари Исмоилни олиб йўлга тушдилар. Бир неча кундан сўнг хозирги Каъбатуллоҳ бино бўлган манзилга яъни Маккаи мукаррама шаҳрининг Байтуллоҳ жойлашган ери-

га етиб келиб, туяларни чўқтирди. Парвардигор ўз халилига ваҳий қилган манзил шу эди. Нега энди, Шоми шарифни (Сурияни) эмас, Мадинаи мунавварани, Тоиф ёки Жиддани, Куддус ё Мисрни эмас, айнан шу ерни амр этди? Бунинг ҳикмати бекиёсдир. Чунки бу жойда Одам алайҳиссалом Аллоҳнинг амри билан Ер юзидаги биринчи ибодатгоҳ Кабатуллоҳни бино этган эдилар. Орадан йиллар ўтиб Нуҳ пайғамбар даврида ер юзини кучли сув тошқини (тўфон) босиши муносабати билан, бинога шикаст етмаслиги учун Парвардигор изни ила фаришталар Одам алайҳиссалом қурган Каъбатуллоҳни еттинчи осмонга Арши аълога кўтариб кетадилар.

Муҳаддисларнинг шаҳодат беришларича ўшандан буён бу бинони ҳар кун итмиш минг фаришта таваф қилар экан.

Тўфон воқеасидан сўнг, орадан анча йиллар ўтган бўлса-да, бирор киши ер юзида дастлаб инсон қўли билан (Одам Ато) қурилган бино тўрисида ўйлаб кўрилмаган эди. Парвардигор бу масъулия, бу шарафни ўз ҳабиби Иброҳим алайҳиссаломга лозим кўрди.

Кимсасиз чўлда она-бола ёлғиз қолиб сувсизликдан, очликдан қийналган, озиб-тўзиган кунларнинг би-

рида Аллоҳнинг амри билан Ер қаъридан булоқ отилиб чиқди. Зум ўтмай ҳамма ёқни муздек сув босди. Нима қилиш керак, она-бола ҳайрон эди. Агар сув шу зайдда отилиб турса улар макон толган манзилни сув босиши турган гап эди. Биби Ҳожар булоққа яқин бориб, араб лаҳжасида «зам-зам» деди. Бу тўхта дегани эди. Ер қаъридан отилиб чиқётган булоқ пайғамбар аёлининг амрига бўйсунди. Аллоҳ ирода этган меъёрда чиқа бошлади. Шу кундан бошлаб булоқнинг номи «Зам-зам» бўлди.

Иброҳим алайҳиссалом ўғли ва аёлини кўриш учун тез-тез ташриф буюрардилар. Ана шундай сафарларнинг бирида у Аллоҳнинг яна бир синовидан ўтди. Тушида унга суюкли ўғли Исмоилни қурбонлик қилиш ваҳий бўлди.

Бу ваҳийда икки ҳикмат бор эди. Бири, Парвардигор ўз халилидаги эътиқод қанчалар мустаҳкам эканлигини синаб кўрмоқ ва бу ишни фаришталарга ибрат қилиб кўрсатиш учун эди. Иккинчиси, ўша пайтда Ер юзида яшаётган инсонлар орасида ҳар йили маълум бир фаслда ўз жамоасидаги энг чиройли бақувват, камолга етган бир йигит ва қизни бутларга, ўзларича турли номлар билан атайдиган худоларга атаб қурбон қилиш одати кенг тарқала бошлаганди. Ал-

лоҳ субҳонаҳу ва таоло шу ноинсоний, жирканч одатни бартараф этиш учун ҳам Исмоилни қурбонликка буюрди.

Иброҳим алайҳиссалом бу амрни рад этмаслиги, Аллоҳ учун жонини ҳам қурбон қилишга тайёрлиги қолаверса, Исмоил қурбон бўлишгача бориб етмаслиги Парвардигорга аён эди.

Ваҳийдан сўнг ота ўз ўғлини ёнига чақириб, Роббисин амрини етказди.

— Эй, меҳрибон ота,— деди Исмоил, пайғамбарга юзланиб,— Роббим учун қурбон бўлмоққа розиман.

Ота-боладаги Яратган амрига бунчалик итоатқўйликни кўрган Парвардигор ўз халилига яна ваҳий этиб:— Эй Иброҳим, сен Роббимнинг бу синовидан ҳам пок иймон билан ўтдинг,— деди.— Уғлиниги ўрнига мана бу кўчқорни қурбонлик қилишни буюради, токи Ер юзидаги адашган қавмлар сендан ибрат олиб, бир-бирларини сўйишликни бас қилишсин, деган овоз эшитилди.

Орадан кўп ўтмай, Иброҳим алайҳиссаломга йўқ бўлиб кетган Каъбатуллоҳ ўрнида янгидан Байтуллоҳ қуриш шарафи ҳам насиб этди.

Шу-шу пайғамбарлар бобоси бошлаб берган бу одат—Қурбонлик дастлаб Каъбатуллоҳ атрофидаги муслимонларга кейинчалик бутун ер юзидаги Ислам аҳлига вожиб бўлиб қолди.

## ҚУРБОНЛИК ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Қурбонлик қилиш ақлли, ўзига тўқ ҳар бир мусулмон учун вожибдур. Қурбонлик учун сўйиладиган жонлиқ бир киши учун қўй, қорамол ва туя сўйиш эса етти одамга жоиз.

Қурбонликка аталган жонлиқни ийди Қурбон намозни ўқиб бўлгач сўйиш лозим, акс ҳолда намоздан олдин сўйилган жонлиқ қурбонликка ўтмайди.

Фикҳ китобларида нақл этилишича қурбонлик ҳайитини биринчи кундан то учинчи кун аср намози вақтигача сўйишлиши жоиз. Ана шу кунлари қоронғу тушгунича сўйилади, деган ҳукмлар мавжуд бўлиб, бунга ўзига яраша ҳикмати бор. Чунки қоронғида сўйилган жонлиқни бўйин томирларидан бирортаси кесилмай қолиб кетиши мумкин.

Қурбонликка сўйиладиган жонлиқ ҳаддан ташқари ориқ кўр, ёлғай, чўлоқ ёки бошқа аъзоларига зарар етмаган бўлиши лозим.

### ҚУРБОНЛИК ГҶШТИНИ

### ТАКБИРИ ТАШРИҚ

#### ТАҚСИМЛАШ

Қурбонлик қилган одам агар серфарзанд бўлса, уни ўз оиласида пишириб еявериш маъқул. Агарда, кўни-кўшнига улашса савоб олади.

Ўзига тўқ, бой-бадавлат одам қурбонлик қилса, гўштини хоҳ пишириб хоҳ хом ҳолида кўни-кўшниларга, маҳалла, қишлоқ ақлига, бева-бечораларга, етим-есирларга тарқатади. Қурбонлик қилинган жонлиқнинг териси кўни-кўшниларга берилиши лозим ёки ундан кўпчилик фойдаланадиган идиш ясалмоғи керак.

Аталган жонлиқни, қурбонлик қилётган кишининг ўзи сўйгани афзал, эгаси рози бўлган тақдирдагина бошқа биров сўйса бўлади. Лекин сўйувчи кишининг мусулмон бўлиши шарт. Уни сўяётган одам: «Бисмиллоҳ Аллоҳу акбар! Ёлғиз Аллоҳнинг ризолиги учун шу жонлиқни қурбонлик қилмоқни ният қилдим» деса етарли.

Қурбонлик учун энг афзал жонлиқ кўчқордир. Аби Уммоннинг пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан ривоят қилишича, Расулulloҳ: «Энг яхши кафан хуллафдур ва энг яхши қурбонлик шохли кўчқордир» деганлар.

Қурбонлик кунидан бир кун олдин, Зулҳижжа ойининг 9 кунин (1994 йил учун 19 май) бомдод намозининг фарзидан кейин қўйиндаги тартибда тақбири ташриқ айтиш бошланади. Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, Ла илоҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар

Аллоҳу акбар, Валиллоҳил ҳамд. Тақбири ташриқ ҳайитнинг тўртинчи кунин аср намозигача ҳар бир фарзандан кейин айтилади.

Ҳайит кунин ҳар бир мусулмон эрта тонгда ювиниб тараниб, ўзини ҳар томондан поклаб, масжидга боради. Намозгоҳга етгунича уч ерда тўхтаб тақбири ташриқ айтади. Намоздан сўнг ота-она, қариндош уруғлар, дўст-биродарлар зиёрат қилинади. Бир-бирларига ҳадялар улашилади. Ўртадаги беҳуда гина-қўдратлар унутилади.

Ҳайит кунин ийд намози ўқилгунича ҳеч нарса танаввул қилмаслик дуруст.

Саҳифани журналист Шодирхон МУТАҲҲАРХОН ўғли тайёрлади



Р. НУРИНБОЕВ сурати

# КЎКАТЛАРНИ КЎПРОҚ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНГ

Халқимиз қадим-қадимда райхон, жамбил, кашнич, пйёз, шавел, селдер, шивит каби кўплаб шифобахш, хушхўр кўкатларни истеъмоЛ қилиб келган.

Бу кўкатлар витаминларга бой бўлгани учун ҳам киши соғлиғини ҳимоя қилиш, фаолиятини яхшилаш хусусиятига эга.

Тегиришлар шуни кўрсатадики, С витамини организмда содир бўладиган модда алмашинуви жараёнларида фаол қатнашади. Кишиларнинг меҳнат қобилиятини оширади.

Нисонининг марказий асаб системаси норма фаолияти кўп жиҳатдан В витаминига боғлиқ бўлса, В2 витамини организмдаги хужайраларнинг қайта тикланиши, жароҳатни тез битишига ёрдам беради.

Юқорида айтилган ўсимликларнинг таркибиде бу витаминлар ва бошқа керакли моддалар кўп бўлиб, улардан айни шу баҳор кунларида истеъмоЛ қилиш киши соғлиғини янада мустаҳкамлаб, танадаги эски касалликларни ҳайдаб чиқишга фойда қилади. Таомларни хушхўр, лаззатли этади.

**КАШНИЧ** — қон-томир фаолиятини яхшилаб, организмга қувват бағишлайди, юз терисини тиниқлаштириб, тери касалликларини олдини олади. Кашнични қуюқсуқ оватларга қўшиб кўкат ҳолида ейиш фойдали.

**ПЕТРУШКА** — оватдан кейин кўкат ҳолида ейилса қонни кўпайтиради, меъда ва ичаклар фаолиятини оширади, уруғи қайнатиб ичилса асабни яхшилайди.

**УКРОП** — бу кўкатнинг таркиби-

да киши организми учун зарур бўлган каротин ва аскорбин кислотаси бор. Организмнинг С витаминга бўлган кундалик эhtiёжини қондириш учун кунига 20-25 грамм барра укруп истеъмоЛ қилиш ки-фоя.

**ОШРАЙҲОН** — шифобахшлик бобида бекиёс хусусиятларга эга. Иштаҳани очади, буйрак касалликларини, йўтал, қизамиқ асоратлари бўлган беморларга енгиллик беради. Райхон ва сирка туз аралашмасининг қайнатмаси тиш оғригини қолдиради.

**САРИМСОҚПИЕЗ** — қуюқлашган қонни суялтириш, меъдага ўрнашб қолган иссиқликни бартараф қилиш, хотирани мустаҳкамлашда ёрдам беради.

**ДИЛБАР** тайёрлади

## Дераза

### МАРИАННА ЯНА ЙИҒЛАЙДИ

Фақат ўзга исм ва бошқа филмда. Унинг номи «Еввойи атиргул» бўлиб, унда «Бойлар ҳам йиғлайди» фильми қаҳрамонининг родини ижро этган Вероника Кастро яна қишлоқдан шаҳарга келган, отаси ўлган соддагина қиз сиймосида чиқади. Миллионер билан яшаш эса осон бўлмаса керак, ҳар ҳолда. Чунки, бу филмда қишлоқи қиз миллионерга турмушга чиқади. 1995 йилнинг охирида Марианнанинги йиғиси барибир тўхтайд.

«Аиф» газетининг хабарига кўра, кўп қисми бу филм май ойининг охирида Останкино телеканали орқали намойиш этила бошлади.

### ПЕЛЕ КЎҒИРЧОҚ ФИЛМДА УЙНАЯПТИ

Футбол қироли Пеле шу йили фақатгина реклама учун ҳисоб-китобларга кўра, ўн миллион АҚШ доллари олади. Бунга ўзининг ёшлиги ҳақида яратилган кўғирчоқ филмда иштирок этгани учун яна оладиган 10 «лимон»ни ҳам қўшишингиз керак бўлади.

### 95 ЕШИДА ЯНГИ ТИШ

Ҳиндистоннинг Нернаунд қишлоғида яшовчи Гумана Деви исмли 95 ёшли кампирнинг янги тишлари ўсиб чиқди. Карлик сабаб йигирма йил олдин Девнинг тишлари тўкилиб кетганди. Худонинг қудратини қарангки, янги тишлар ўсиб чиқаяпти.

У ҳар куни эрталаб ва кечқурун икки километр юради ва яшил бағрларни ейишни яхши кўради. Шунингдек, сабзавотларни кўпроқ истеъмоЛ қилади. Қишлоқнинг энг қария кампирни ҳисобланса, у яна шунча яшаш ниятида.

### КИТНИНГ ОШҚОЗОННИ ОДАМНИ ҲАЛ ҚИЛА ОЛМАДИ

Бу воқеа 1891 йилнинг февралда Фолкленд оролларида бўлиб ўтган. Англиянинг кит овловчи кемаси бир китни қармоққа илинтириб, ўлдиргунча вақт тушдан ярим тунгача чўзилди. Қизғини шундаки, китнинг ошқозонидан чайналмай ютилган одам чиқди. У кит овловчи Жеймс Бартли бўлиб, юраги секин бўлсада уриб турарди.

Кема жамоасининг икки ҳафталик қаровидан сўнг Жеймс гапирга бошлади. Узининг айтишича ов пайтида сувга йиқилган ва кит уни ютиб юборган экан. Қоронғилик... у қандайдир қувур орқали ичкарига силжиган... чиқишга йўл йўқ. Лекин нафас олиш мумкин. Ҳамма ёқда иссиқ сулак... у қўрқинчдан бир неча бор хушини йўқотган. Қўтқарувчиларнинг фикрича Жеймс китнинг ошқозониде 16 соат яшаган.

## Оила

### 34 ЕШДА

Миллатим қозоқ. Маълумотим ўрта, заводда ишчи бўлиб ишлайман, зарарли одатим йўқ, табиятан оғир вазминман. Чирчиқ шаҳрида ўз ҳовлимда яшайман. Агар ўзимга ҳамфикр, дилкаш, вафодор (миллатини фарқи йўқ битта фарзанди бўлса) покиза ёр тополсам, бир умр уни эъзозлаб, бахтли-саодатли яшатишимга ишончим комил. «Оила-312».

### 34 ЕШДА

Ленинбод вилоятиданман. Тошкент шаҳридаги даволаш марказларининг бирини да табиб бўлиб ишлайман. Турмуш ўртоғим билан одоб-сизлик, ҳурматсизлик ажратди. Уйлайман: зиёли оиладан чиққан, пок тинч-тотув яшашни ўзини олий мақсади деб биладиган қизни учратсам, мен унга бир умрлик меҳрибон умрйўлдош бўлиб қоламан «Оила-313»га деб ёзинг. Мақтубларингизни кутаман.



БЕКАЛИК ОСТОНАСИДА

## ТАБРИКЛАЙМИЗИ!



**РАЙҲОНА!**  
Сиз ва яқинларингиз учун энг қутлуғ кун — таваллуд айёмингиз

муборак. Қапалак умри янглиғ жўйқин эъзал кўнлар ҳамроҳингиз бўлсин. Шоир айтмиш «Хумон онларнинг тилло эшиги» сиз учун доимо очиқ туришини тилаб, **ДУСТЛАРИНГИЗ.**

Қадри Нурхон **ЭРҒАШЕВА!**

Сизни ёру биродарларингиз, барча қадрдонларингиз номидан тугилган кунингиз

билан муборакбод этамиз. Танингузга соғлиқ-омонлик ва кўп қиррали фаолиятингизга янада равнақ тилаймиз. Самимийлик Сизни асло тарк этмасин. Келгусида етук оlima бўлишингизни тилаб, **дўстларингиз УТКИР, ХОЛИДА.**

Тошкент шаҳри

Бисмиллаҳир роҳмонир роҳим  
Хўрматли падари бузрукворимиз  
Жумон **ҚУРБОНОВ!**



Сиз Қамаш тумани, Эсабой қишлоғидаги Абрай Турбов номли ўрта мактаб-

да 35 йилдан буён ёш авлодга таълим-тарбия бериб келмоқдасиз. Шу сана ҳамда май ойида 56 ёшга тўлишингиз муносабати билан қизгин табриклаймиз.

Умрингиз узоқ бўлсин. Бошингиз узра ҳамиша бахт ва толе юлдузи порлаб турсин. Элга хизмат қилишдан асло толманг.

Ўғлингиз **НОРБУТА,** Тошкент Тўқимачилик енгил саноат институти.

Азиз ва меҳрибон онажонимиз **Омонгул ҚОРАТОЙ** қизин! Умрингиздаги энг улуғ сана тугилган кунингиз билан самимий табриклаймиз. Доимо сиҳат-саломат юришингизни, ҳаётингизни сермазмун ва эъзал бўлишини тилаймиз. Меҳнаткаш қадоқ қўлларингиз ҳеч қачон дард кўрмасин.

Қамол эҳтиром ила:

қизларингиз **РОЗА, ИНТИЗОР, МАТЛУБА, МАХБУБА**

\*\*\*

Азизларим **ДИЛШОД ВА РАЪНОҲОН!** Сизларни энг қувончли кун-ниқоҳ айёмларингиз билан чин дилдан табриклайман. Келгусидаги ишларингизга равнақ, ҳаётингизга муваффақиятлар тиламан.

ШУҲРАТ,  
Тошкент шаҳри

Азиз ва меҳрибон Отажон Отажонимиз! Сизларни Қурбон ҳайити билан табриклаймиз. Илоё, мингларга киринг. Невара-чевараларингиз доимо дуонгизни олиб юрсин. Фарзандларингиз: **АБДУРАҲМОН, ТОЛИБ, ХОЛБОЗОР, БОТИР** ва **ЗОҚИР**лар. Шаҳрисабз, Саксонкала.

**ХУСУСИЙ ЭЪЛОН**  
Самарқанд вилояти, Ургут

тумани, Калинин номли колхоз 44-ўрта мактаб томонидан Сафаров Ифтихор Бегалиевич номга берилган **№ 840931 [1981 йил, № июл]** рақамли аттестат йўқотилганлиги сабаб бекор қилинади.

### ИЗОҲ:

Хусусий эълон ва табрик эълонининг ҳар бир белгиси (ҳарфи 20 сўм. Табрик учун битта расм [6×9 см, ҳажмида бўлиши шарт] 5000 сўм. Табриклар бир ой мuddат ичиде чиқарилади). Табрик ва эълонлар 10 кун мuddат ичиде чоп этилса 2 баровар ҳақ олинади.

Агар тахририятга келишга имкониятингиз бўлмаса, эълон учун тўланадиган пули ва битта почта ёки телеграф орқали ўтказиш йўли билан қуйидаги манзилга жўнатинг: Тошкент-29, Мустақиллик майдони, 1-уй, «Оила ва жамият» тахририяти.

«Оила ва жамият» 18 (141)



нингизни яримта қилолмайди. Шахсан мен бунни истамайман ҳам. Назаримда Насиба Абдуллаева ҳаётнинг барча соҳасида фақат биринчи бўлиши шартдек.

— Худди сиз айтгандек бўлиш барча санъаткорларнинг азалий орзуси. Минг афсуски вақт ҳеч кимни авайлаб ўтрмайди. Барибир мен ҳам бир кунни замон қўшиқ-севадларининг назаридан четда қоламан.

«Насиба, овозингни борича қичқириб қўшиқ айтишни эпполмасанг ток улашиб микрофонлар ишга тушгунча сахнада рақс тушасан. Мен бу ерга сени томоша қилгани келганман. Микрофонлар ишламайди деган баҳонанг ўтмайди...» Еши 53—60 атрофидаги забардаст жуссални кайвони кампир элининг таниқди ҳофизаси Насиба Абдуллаевага худди шундай хархаша қилди. Ток уланди, микрофонлар ишга тушди. Ҳали келганда Насиба ҳам бўш келмай Голла, мен бу ерга қўшиқ айтгани келганман холос. Мана ҳаммаси тайёр бўлди. Концертни тугагунча энди сиз ўртада ўйнайсиз, марҳамат чиқинг!» деди жиддий оҳангда. Одамларнинг кайфияти ўзгарди. Менимча шу пайт йиғилганларнинг хаёлидан «Насиба ҳам ҳаволаниб кетибди, тумшүқчаси кўтарилиб қолибди» қабилдаги аниқ фикр ўтди. Бунинг устига у концерт давомида мухлисларининг талаб ва истакларини умуман инобатга олмади. Қўрслик қилиб «менга қанақа қўшиқ айтишни ўргатманлар» дея ҳаммининг кўнглини чўктирди. Энди томошага келганларнинг ичидagi ҳалиги гап бутунлай юзга чиқди: «Ҳоҳ олифта, тумшүқчаси ҳақиқатан ҳам кўтарилиб қолибди». Кетдик, бундан кўра...» Оломон стадиондан чиқиб кета бошлади. Қисқа сониялар ичида юз берган бу мудҳишлик мени ҳам ҳайрон қолдирди. Орадан анча вақт ўтиб кетган бўлишига қарамасдан пайти келганда худди шу воқеани сеvimли санъаткоримизнинг ўзинга яна бир-бир эспатдим:

— Насиба опа, ўтган йили Иштихон туманининг 50 йиллиги муносабати билан стадионда концерт берганингиз эсингиздами?

ман. Кетмон чопиш эса аёлларнинг иши эмас. Сигир соғиш зарур бўлса уни ҳам дарров ўрганишим учун ҳафсалам ҳам, гайратим ҳам бор.

— Худо хоҳласа ақинда ўзимиз Насиба Абдуллаеванинг театр-концерт биносини қурмоқчимиз. Вилоят ҳокими ҳам ердан беришини айтди.

— Сиз илгари таниқли ҳофизларнинг қўшиқларидан ҳам айтиб турардингиз. Лекин ўзингиздан пастроқ тоифадаги санъаткорларнинг ҳеч бири сизнинг қўшиқларингизни такрорлаганини эшитмапмиз?

— Шогирдларим бор эди, Орадан вақт ўтиши билан уларнинг айримлари менга ҳам «кустозлик» қила бошлади. Яна бир иккитаси менсимай кетди. Мана бунни ҳаволаниш деса бўлади.

— Яхши қўшиқ айтганингиздан сўнг ўз-ўзидан маълумки сизга гул тақдим этаётган аёллар қаторида эрақлар ҳам пайдо бўлиб қолади. Энг қизиги аёлларга, қизларга ўхшаб улар ҳам юзингиздан ўпиб олишга шайланаётгандек тугади ўзини. Уша пайтда сиз ўзингизни қандай ҳис қиласиз. Концертдан кейин эрингиз шу масала юзасидан бирор нарса дейдимиз. Унинг ҳам роса рашки келса кераг-ов?

— Эрим ҳар бир вазиятдан тўғри ҳулоса чиқара олади. Ўзимга келса гул бериш баҳона юзидан ўпиб олмақчи бўлаётган йиғилларга, эрақларга фақат диёнат ва инсоф тиламан. Инсон ақлининг эркидан устун турмаса ҳар нарса бўлиши мумкин.

— Ўзингизни реклама қилиш учун ҳам пул сарфлайсизми?

— Ҳамма нарсани пул билан йўлаб бўлмайдику. Бунинг устига кўпга танилиб бўлганман.

— Дунёда ҳар бир шахснинг ҳаётини рақиб бор. Шу жумладан сизнинг ҳам, мен ва бошқаларнинг ҳам. Бу борадаги икки оғиз фикрингизни билмоқчи эдим?

## ОДАМЗОТ НИМА УЧУН ЯШАЙДИ?

Мен уни негадир оддий Насиба эмас, балки вазмин ва ўйчанлиги, ифрату родаси, майин овозига сингдирилиб қўшиқларига тугмадек қадаб қўйилган нафосату назокати, феълдаги қадимий ҳаёлари учун ҳам фаросатли Насиба дегим келади. Негаки, у сохта обрў, беъмани шон-шухрат топиш учун ўзинга ортинча эрк бериб имону эътиқодига, виждонига доғ тушурмади, ҳусну жамолига, чин оналигига хиёнат қилиш йўлига кирмади. У бир нарсани билади: аёл учун бу дунёнинг энг буюк мукофоти одоб, ибод, ҳаё ва ҳақиқий аёлликдир. У бир нарсани тушунади: милён-милён қўшиқ шинавандаларининг ич-этини қўшиққа ўралган беандиша ноз-карашмалар билан эмас, фақатгина индизлари олам-олам покликларга туташ нозик дил, ақлу камолотга ўралган қўшиқлар билан жозибга келтириб забт этиш мумкин. Биз сеvim, қўшиқларини берилиб тинглайдиган самарқандлик ҳофиза Насибохон Абдуллаеванинг санъат ва ҳаётдаги энг катта ютуғи ҳам мана шудир асли. У билан сўзбашлашиб кўрганлар билади, албатта Насиба фақат мунис ва муслима аёлликнинг ширин-ширин хаёлларига берилган ҳолда яшайди.

— Насиба опа, «Аёлларнинг сочи узун, ақли калта бўлади» деган мақолани эшитгандирсиз. Шунга муносабатингиз қандай? — Эскидан қолган гапку бу. Илгари аёлларга нисбатан худди шунчақ муомалада бўлишган. Замон шунни талаб қилган бўлса керакда. Бироқ чўрига сен чўридан десангиз унинг ҳам кўнгли оғрийдими, албатта. Ўйлаб кўрсангиз дунёни поклаб, тарбиялаб турганлар аёллар бўлиб чиқади.

— Беш бармоқини баравар деб ўйлаш ҳам нотўғри бўлса керак? — Фикрингизга қўшилган ҳолда аёлларни камситмаслигинизни сўрайман. Айни замонадаги ажизаларнинг ҳаммасини ақли, дидли, фаросатли дейиш ҳам беъманилик ҳисобланади, ҳақиқатан ҳам. Уларнинг кўнглини ўзини эрдан устун қўйишда интилади. Атрофида кимлар бўлишидан қатъий назар оғзида боби кириб, шоди чиқади. Бундайлар аёл эмас, одамлар орасига отилган маломат тошдир.

— Обру, мансаб, буюклик, мону дунё аёл кишини нимани талаб қиладию, нима беради?

— Балки кўп нарсани олиши мумкин. Аммо ҳеч нарса бермайди. Ожиза буюк бўлган деб ўзлагидан чиқиб кетмаса бўлади.

— Тошкентдаги уйингизни ўғри уриб кетган деб эшитганим, тўғрими? — Бу гап ёлгон.

— Сиз ва оилангиз ҳақида бундан бошқа миш-мишлар ҳам борлигини биларсиз?

— Бир-икки бор телевиденида концерт берганингизда эрим бетобили сабаб боролмаганди. Шу баҳона одамлар «Насиба эри билан ажрашибди, энди кимга тегар экан» деб гап чиқарганини ўз қўлигим билан эшитдим. Қайсидир йили Тожикистонда сафарда бўлгандик. Эмишки у ердан қайтишда афронистонлик босқинчилар галаси мени ўғирлаб кетибди-ю эвазига эримдан фалон миқдорда пул талаб қилганмиш. Бундай бузуқ, бемаза гапларни ич қора, ақлан заиф кишилар ўйлаб топди. На чора даар ҳам тағирингиз сиз билан менга ўхшаган бандаларида.

— Шу бугунгача эришган барча ютуқларингиз борасида менимча кўп қийналмадингиз. Ҳали анча ёш бўлишингизга қарамасдан Ўзбекистонда кизмат кўрсатган артист унвонига эга бўлдингиз. Ўзбекистон халқ артисти деган фаркли номга эришдингиз. Уз санъатингизни ҳақиқатан ҳам шунча шов-шувга лойиқ деб ўйлайсизми?

— Шу пайтгача бирор нарсани бўлиш учун ҳеч қачон ўзимни мажбурламаганман.

— Эстрада соҳасида «мен Насиба Абдуллаевадан ўзиб кетишим керак, Барибир унинг номини яримта қиламан» дейдиган аёл рақобатларингиз борми Ўзбекистонда?

— Мени қўшиқчиллик санъатидан маҳрум қиламан деб ўйлайдиганлар артистлар қаторига қўшилмайди. Қимингки меникидан ортинч санъати бўлса марҳамат, ўзини кўрсатаверсин. Бироқ ҳасад қилиш ҳеч қачон ахшиликка олиб келмайди.

— Хуллас сиздан ўтадиган эстрада хонандаси борми, йўқ? — Ўзингиз нима деб ўйлайсиз? — Менимча опа, яқин ўн беш, йигирма йил ичиде ҳеч ким санъат бовида но-

— Ҳа. Нима демоқчисиз?

— Ушанда йиғилганларга нисбатан муомалангиз сал ҳаволанган одамнинг муносабатига ўхшаб кетди. Ҳақиқатан ҳам мухлисларингизни менсимай қўйибсиз шекилли.

— Қанча обрўингиз бўлса ҳам барибир қўшиқ шинавандаларининг барчасини баробар хурсанд қилолмайсиз. Ушбу саволингиз билан халқнинг менаи хафа бўлгани эслатайсиз, шундайми? Бироқ одамларнинг менаи нисбатан қўлазан муомаласини ҳам унутмангиз. Бирини электр токани эплаб беролмасан бунни қандай тушуниш мумкин. Мен ҳам бошқалар қатори ҳурматини тўқиллишини истамайман.

— Тўғриси опа, ҳозир эллар ўртасида чўқур ҳурматингиз бор.

— Ҳеч бир жойда илтимосингиз битмасдан қолмайди. Шундан фойдаланиб кимгадир кўнглингизнинг энг тўридан чиқарган ҳолда холис ният билан қанақадир ахшилик қилдингизми?

— Бундан етти йил илгари ўзимизга буюролик ҳомилалар бир аёл келди. Айтишча эри қайнона, қайнисингиларининг гапига кириб бирор баҳонасиз қароватга боғлаб роса урган экан. Натижанда у аёл ўзини ўлдирмоқчи бўлибди. Жонига қасд қилишдан олдин. «Насиба Абдуллаева билан бир учирсам, гапласам бу дунёдан армонсиз кетаман» дея ушбу билан Самарқандга келибди. Учрашдик. Меҳмон қилдим. Шу кечаси ишонсангиз эрталабгача ухламасдан дардлашиб чиқдик. Аврадим, жаврадим нима бўлса ҳам уни ўлжидан олиб қолишга ҳаракат қилдим. Хуллас, ўша аёл шундан қайтди. Самарқандлик йиғишга турмушга чиқишда ҳам кўмақладим. Ҳозир тинч-тотуя яшайпти.

— Далага чиқиб пахта терганмисиз. Кетмон чопиш, сигир соғишни ҳам эплай оласизми?

— Студент пайтимида далага чиқиб пахта терганмиз. Илгор теримчи бўган.

— Менинг ҳасадгўйларим анча-мунчага ўхшайди.

— Сизнингча одамзод бир-бирига яхшилик ва ёмонлик қилишдан ташқари яна нималар учун яшайди?

— Еш бола ширинлик учун. Бологат ёшидаги йиғит-қизлар бир-бири учун. Келсалик гаитидан баҳраманд ота-оналар эса неваря-чавараларининг дийдорини учун яшаси керак янглишмасам. Менимча пешонамизнинг асл ёзиғи ҳам шундан иборат.

— Ота-онангиз кими, ака-ука, опа-сингилларингиз нечта?

— Отам Ермухамедов Мелик, онам эса Ҳамроқулова Холчуқ. Иккаласи ҳам ҳозир нафақада. Беш акам, битта опам бор. Уқтам ва Рустам акамлар биргаликда Самарқанд Шойи тўқиш фабрикасида ишлайди. Фарҳод акам темир йўл станциясида, Адхам ҳамда Аҳмад акамларнинг биттаси ҳайдовчилар тайёрлаш мактабиде, иккинчиси ҳисобчи бўлиб ишлайди. Дилора онам эса Самарқанд Давлат Университетининг инглиз тили факултетини тугатган. Оиламизнинг энг кичик эркакоти мени бўлган.

Насиба Абдуллаева билан яна кўп масалалар юзасидан сўзбашлашдик. Фикр ва ҳулосаларидан шунингизни кўриш эҳтиёжиде санъатдан кўра онамнинг устун қўймоқда. Аёл барибир аёлда. Ҳурматли Ҳофизамиз ҳам асли муслиманлигига тортибди. Энг муҳими у кишига ҳамма нарса бирдек ярашди. Саҳнада қўшиқ куйлаётганда ўзининг унутиб юбормайди. Унда рўзгор ишларига сингиб кетган пайтда ҳам таниқли санъаткор эканлигини бир зум бўлсада хаёлидан чиқармайди.

Нормурод МУСОМОВ сўзбашлашди

ҒАРБНИНГ «ҒУЗАЛ»  
КЕЛАЖАГИ

Ҳозирги кунда баъзи бир ватандошларимизнинг Ғарб мамлакатларидаги кишилар ҳаётига жуда ҳам қизиқиши катта. Худди улар каби бўлишни, улар каби яшашни орзу қилишади. Аслида бу орзу бизнинг Россия тарафидан босиб олинган кунларимиздан бошланган. Шундай орзуда яшаётган инсонлар ўзлигини билмайдилар, ўзлигини севмайдилар, фақат ғарбликлар каби бўлишга интиладилар. Ғарб халқларини маданиятли ҳисоблаб, улар каби «маданият»ли бўлишга ҳаракат қиладилар. Ҳозирнинг тарихий, маданий, маънавий бойлигини назарга илмай ғарб маданиятидан ўрнак олмоқчи бўладилар.

Энди эса у инсонлар соғинган ғарб ҳаётидан баъзи бир маълумотлар бермоқчимиз. Ғарбда оилавий ҳаёт тугаган бир ҳолатдадир. Оила билан биргаликда никоҳ мажбурияти ҳам йўқ бўлмоқда. Ҳар уч кишидан бири ёлғиз яшамоқда. Оила парчаланганидан сўнг фарзанд ташвишини ўйламаган бу инсонлар, меҳр-муруватларини иту мушукларга сарф этмоқдалар. Фарзанд ва авлод севгиси ерини ҳайвон севгиси эгаллаган. Улар фарзандни ўзлари учун оғир юк дея санайдилар. Бир вақтлар Ғарбда бошланган оилани режалаштиришнинг натижасини кўриб турибмиз. Оила йўқ! Никоҳ йўқ! Зино ва фоҳишалар бор! Бу режалаштириш ва «маданиятлаштиш» оқибатида аҳоли сони орттириш тўхтаган, энди сонларини


орттириш учун одам топишолмаяпти. Шу сабабдан бошқа мамлакатлардан, бошқа ирқлардан бола олиб тарбиялашни исташапти. Ғарбдаги бу ҳаёт бир неча йилдан бери давом этиб келмоқда.

Ғарб мамлакатларида ҳаёт кун сайин издан чиқмоқдадир. Жиноят қилиш, ўғирликка қўл уриш ёки фоҳишабозлик кундалик ҳаётнинг ажралмас қисмига айланди. Кечалари сайрга чиқиш, ҳаёт билан видолашишдек бир ҳолга келган. Масалан: Нью Йоркда ҳар кун кечаси соат 12 дан кейин 6-7 та оғир жиноят қилиш ўртача бир ҳолатдир. Еки Америкада содир этилган жиноятларни шундай қаторга тизиш мумкин.

— Уйга ўғирликка тушиш — ҳар 10 секундда 1 марта, автомобил ўғирлиги — ҳар 22 секундда 1, номусга тегиш — ҳар 6 секундда 1, бошқа жиноятлар — ҳар 25 секундда 1.

Шаҳарларда ҳар ким қўрқув билан яшамоқда. Кўчалар ишсизларга, безориларга, ватансиз бурчакларда тикилиб ётган инсонларга тўладир. Бу эса бизнинг ва бошқаларнинг тилида дoston бўлаётган Ғарбдир.

Бу ўлкаларнинг бундай «қривожланиши» ғайритабиийдир. Буюк бир жарликка, буюк бир фалокатга йўлдир. Иқтисодий инқироз 5-10 йилда тузалиши мумкин. Аммо янги авлодни 5-10 йилда етиштиролмайсиз. Ғарбликлар ўз йўлида кети-



М. БОЛТАБОВЕВ сурати

шайётган экан, бизнинг айрим ғарб ихлосмандларимиз қаёққа кетишапти? Бизга на ғарбдан ва на Европадан фойда бордир. Биз ўзлимизга, миллий маданиятимизга қайтишимиз керак. Биз маданиятни донги кетган Ғарб давлатларидан эмас, ўз тарихимиздан излашимиз шартдек.

Бугунги кунда дунёдаги энг қари авлод Германия ва Францияда бўлса, энг ёш авлод Хитойдадир. 1 миллиарддан кўп аҳолиси бўлган хитойликлар дунёни аҳолиси билан қўлга олишни ўйламоқдалар.

Рустам МАРДОН

ҲАР НАРСАГА  
ЎЗИМИЗ САБАБ

Бир кунни юмуш билан электр поездида Ғазалкент тарафга кетаётган эдик. Ногоҳ далада юрган 10—14 ёшлар атрофидаги болалар тош отиб, вагон ойнасини синдиришди. Ойна парчаланиб ўриндиқда ўтирган қария ҳамда қўлида гўдагини эмизиб келаётган жувонни қонга белади. Табиийки, поезд йўналишини ўзгартирмайди. Иккаламиз эса шифокор сифатида зарур тиббий ёрдам кўрсатдик, холос. Аммо чилчил синган кўнгил ойналарини ким тиклаб беради, жабрдийдаларнинг шу тасодиф тўғрисида қўлида гўдагини эмизиб келаётган жувонни қонга белади. Табиийки, поезд йўналишини ўзгартирмайди.

Мақола муаллифларидан бири «тез ёрдам»нинг навбатчиси сифатида Лисунонинг 1-мавзесига шошилгинч

қақиртирилади. Тун, соат иккилар атрофида, хароба лифтни ишлатолмай, 9 қаватга бир амаллаб кўтарилади. Хонада 18 ёшлар атрофидаги йигит нафас ололмай, кўкариб ётарди. Зудликда ўтказилган тиббий муолажалар ёрдам бермади, чунки астматик ҳолат деб юритиладиган бу дард фақат касалхона шароитидагина тузалиши мумкин эди. Ҳар дақиқа ганимат-

лиги учун, яна ўша хароба лифтга келишга мажбур бўлади. Яланғоч симларни улаб лифтга қиради, лекин қани энди у жойидан жилса! Асаблари дош беролмай, лифтни шу аҳволга солгани болаҳонадор қилиб сўкиб юборади. Таъжубки, лифтни шу қўйга солган беморнинг ўзи экан, бу ҳақда уялиб гапириб беради.

Концерт ёки кинохоналардан томоша тугагач чиқиш кетаётган одам ўздан кейин нақадар аянчли манзара қолаётганини кўрса эди. Ехуд сайлларда уюштирилган томошалардан кейинги ҳолатни кўриб, аросат майдонимикан деб ёқа ушлайсиз. Кўча-кўйдаги чанқовбости қурилмаларни тилка-пора қилаётганлар саратонда отаси ёки онаси лоҳасланиб, бир ютум сув истаб, сарсон бўлишини ўйлармикан! Еки чироқни кўзлаб мерганлигини намоён қилган йигитча эртага ўздан ҳам мерганроқ бошқа бир азаматнинг ўлкасига айланиб қолишини хаёлига келтирармикан!

«Таъқиқланган мева ширин бўлади» дея бежиз айтилмаган. Биз — катталар болаларга зарарли одатларни таъқиқлабгина қўймай, ўзимиз ҳам унга қатъий амал қилишимиз лозим. Авваламбор, ўзимиз

ҳар томонлама покляниб, нуқсонлардан ҳоли бўлсангина, келажак авлоддан уни талаб қилишга ҳақимиз. Табобатда «нуқсонли айлана» деган атама мавжуд. Бу назарияга асосан бир аъзо ва тўқиманинг меъёридан четлашиши вужуддаги барча тузилманинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатади, бошқа аъзолардаги бундай бузилишлар эса ўз навбатида ҳа-

лиги касал аъзони ҳалокат ёқасига яқинлаштиради. Шу назарияни турмушга қўллаб кўрсак, бошимизга ёғаётган ҳар бир бало учун ўзимиз масъуллигимизни англаб етамиз.

Алижон ЗОҲИДИЙ,  
Пирназар АЛИХОНОВ,  
Тошкент Болалар Тиббиёти  
Олийгоҳи ассистентлари.

«ЗАЧЁТ»МИ Ё НОМУС!»

Мен Тошкент Давлат Педагогика олийгоҳининг БТУ ва одобнома факультетида ўқийман. Мана бизда жисмоний тарбия дарси ўтилади. Тўғри бу дарснинг ўтилгани яхши, ёмонмас. Уғил болаларни олдида бемалол юрaverишга ям ўрганар эканса» киши.

Лекин нима эмишки, яқинда бизни икки ҳафта чўмилишга оборамиз деб қолди. Йўқ, ўзингиз йўлаб кўринг, қанақа қилиб уялмасдан, ўғил болаларга ўзимизни кўз-кўз қилиб чиқамиз! Менимча бу, биз ўзбек қизларига умуман тўғри келмайди. Тагин қатнашмаганларга «зачёт» қўйилмас эмиш.

Сизлар нима дейсизлар, азизлар? Шунақанги масалаларни йўлаб кўришнинг вақти келмади-ми?!

Шоҳсанам. ТошДПИнинг БТУ ва одобнома факультети толибаси



А. САПАРМАТОВ сурати

«Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида» деб номланган китобда «Унинг меҳмондўстлигига хотини Кибриё Қаҳҳордан унга пазандалиги сабаб эди...» деган ёзувни ўқиган эдим. Яқинда мен ҳам уларнинг хонадонига меҳмон бўлиб бунга ишонч ҳосил қилдим.

Дарвоқе, Кибриё опа, Абдулла Қаҳҳорнинг умр йўлдоши, бу йил 80 ёшга қадам қўйдилар. Опанинг айтишлари-ча раҳматли дадалари 97 йил умр кўрган эканлар, илоҳо опага ҳам шу насиб этсин.

— Кибриё опа, мақтасак-мақтамасак сиз бир оқила уй бекаси, аjoyиб таржимон, матншунос, форс классик шеърининг зукко билимдонисиз. Мана шу даражага етишингизда кимларнинг ҳиссаси катта!

— Менинг илк устозим, падари бузрукворим. Бу борада ҳамма гапни сўзласангиз бироз мақтагандек, устознинг шухратига ўзингизни шерик тутгандек туюлавераркан.

— Асли қаерликсиз!  
— 1914 йилда Самарқандда туғилганман. Дадам Лутфулла Маҳдум умрининг 30 йиллини Бухоро мадраса-

қалам кўтариб келиб, мендан эшитган шеърларини ёзиб кетарди. Бирор мартаба қўл бериб кўришгани йўқ. Ҳамиша уйга ёки ишхонага «Ассало-му алайкум» деб кириб келар эди.

— Ҳозир кўпроқ нималардан ташвишланасиз!  
— Мени бирдан-бир ташвишга солаётган нарса — бу ёш авлоднинг тарбияси. Юқорида сизга айтдим, иккинчи яшарлигимдан дадам менинг тарбиям билан шуғулланганлар. Афсуски, менинг назаримда, ҳозир ҳеч ким бола тарбияси билан жиддий шуғулланмайди. Ваҳоланки, болаларнинг зехни жуда ўткир бўлади, оғзингиздан нимаки чиқса ҳаммасини дарров илғаб олади.

Дадам бугун бирор вазифани берсалар, эрталаб: «— Қани мулло Кибриё, кеча нимани ўқиган эдингиз?» деб сўрар эди. Доим ўқиган дарсимни ёддан айтиб берар эдим. Ахир тарбия мактабдан эмас, оиладан бошланади. Биз мана шуну унутиб қўйдик. Бу катта хатоимиздир.

Устоз билан қарийб тўққиз ой учрашиб юрган бўлсак, мен ҳар гал шеър ўқиб берганман. Аммо ҳозирги қиз-

син, деса эри чизган чизиқдан чиқмаслиги лозим.

Ташкентда «Овози тожик» рўзномаси ташкил бўлгандан сўнг менга Марказқўмдан тажрибангиз бор дейишиб, муҳаррирликни топшироқчи бўлишди. Суюниб келиб «Менга муҳаррирликни тавсия қилаяпти» деб устоздан суюнчи олибман. Улар шунда жиммайиб: «Биласизми, сиз газетани муҳаррир бўлсангиз менинг хотиним эмас, газетанинг хотини бўласиз, «Кўшхотин» деган термин бору «кўшэр» деган термин йўқ». Майли агар амалдор бўлгунгиз келган бўлса, менинг талоғимни беринг, — деб машинага ўтказдио тўғри ЗАГСга олиб борди. Йўлда бўйнига осилиб «ўнта амал бўлса ҳам сизни алмаштирмаман» дея қайтарди келдим. Ким билсин уринида бошқа аёл бўлса: «Э, менинг нима сендан кам деб» жанжал кўтарармиди? Ҳаётда шундай хулосага келдимки, хотинни хотин қиладиган эр экан.

— Домлани қайси хислатлари сизга ёқар эди!

— Устоз ўта талабчан, мушфик, меҳрибон зукко, одобли эдилар.

аста камчиликларини тушунтирарди. Мен эса бундан рағбатланиб, кейинги сафар ундан ҳам чиройли иш қилишга ҳаракат қилардим.

— Аввало узр, бу саволимдан хафа бўлмасиз. Айтингчи, фарзанд кўришни истаганмисизлар!

— Тўғриси, домла менинг меҳру муҳаббатимни фарзанддан ҳам қизгарди. «Бола керак бўлса ўзимни бола қилиб юринг, агар бола бўлса мен иккинчи планда қоламан. Фарзандинг борми? деган саволга «ҳа, бор» деб жавоб бераман» — деганлар устоз. Дарҳақиқат биринчи оилаларидан икки фарзанди бор эди...

— Эр-хотин ўртасидаги пул масаласига қандай қарайсиз!

— Нима десам экан, келинг, яхшии турмушимдан бир воқеани айтиб берай. Устоз 50 ёшга тўлганида хитойча қаҳвадон билан табрикласам, у киши совгани олмасдан шундай деганди: «Сиз топганингизни ўзингизнинг ула-элигингизга сарф қилинг, камига мен қарздорман. Сиздан ўтини сўрайман. Рўзгорга бир тийинингизни ҳам сарфламам. Агар хотин киши иморатга битта миҳ қосса, ҳаммасини ўзим кўрдим деб айтади». Пуллари доим иш сталининг ғаладонларида турарди.

— Қанча асар таржима қилгансиз!

— Йигирмага яқин!

— Ҳозир нима ишлар билан машғулсиз!

— Газеталарга мақолалар ёзиб турарман. Яна, энг муҳим ишим шу кунларда Абдулла Қаҳҳор тўла асарлар

## • АБДУЛЛА ҚАҲҲОР РАШКЧИ БЎЛГАНМИ?

сида таълим олиш билан ўтказган. 54 ёшида ўздан 40 ёш кичик бўлмиш оймга илк бор уйланган. Дадам Самарқанд шаҳрининг муфтиси бўлиб ишлаган. Диндор бўлишга қарамасдан, бир тотор олимасини топиб, келажакда қизимга керак бўлади, деб менга рус тилидан сабоқ беришни тайинлаган. 6 яшарлигимда Куръони каримдан батафсил хабардор эдим. 1931 йили дадамни қамашди, уйимизни мол-мулкимизни мусодара қилишди, дадамнинг китобхонасини ёндириб юборишди. Оилада энг катта фарзанд мен эдим, шунинг учун рўзгор тебратиш менинг бўйнимга тушди. Бироқ «муфтнинг қизисан» деб мени дурустроқ ишга олишмади, охири Тожикистон Давлат нашриётининг Самарқанд филиалида қўлёзмаларни араб алифбосидан лотин алифбосига кўчирадиган машинистка бўлиб ишга кирдим. Сўнгра Ленинград Давлат университетига ўқишга кирмоқчи бўлиб бордим. Университетнинг IV курсига имтиҳонсиз қабул қилишди.

Уруш даврида университет казармага айланди. Йигитлар армияга, қизлар ҳамшираликка ариза беришди, мен радиоэшитириш комитетида муҳаррир бўлиб ишлаб бошладим. 1943 йил ўз ихтиёрим билан армияга бораман деб комиссариатга ариза бердим. Мени Урта Осий Ҳарбий округи ихтиёрига юборишди. Келишим биланоқ, лейтенант унвонини бериб, «Фрунзе-чи» газетасига муҳаррир ва таржимон этиб тайинлашди. Тожикистонга бориб у ердан тожикча ҳарфлар олиб келиб, газетанинг ишини йўлга қўйдик.

— Домла Абдулла Қаҳҳор билан қачон учрашгансиз!

— Бир тасодиф билан 1944 йил, ёз фасли устоз Абдулла Қаҳҳор билан учрашиб қолдим. Устоз ниҳоятда маданиятли, ўта ҳозиржавоб инсон эди. Ҳар гал учрашганимизда қоғоз-

ларимиз бирор сатр шеърни ёддан билмайди. Бунга ким айбдор?

Адабиёт, шеърят инсонни маънавий гўзаллаштиради. Муомала, сўз гўзаллигини орттиради.

— Яна бир камчилигимиз шуки, қизларимизни биз оилавий ҳаётга дадил тайёрламаймиз. Бунинг оқибатида кўп оилалар бузилапти, улар эрга муомала муносабатини билишмайди.

Бъази аёлларимиз эри қай маҳалда келди, қачон кетди бу билан иши ҳам йўқ. Менинг назаримда хотин: «Вой қурбонингиз бўлай, эсон-омон келдингизми?» деса, минг чандон жаҳли чиққан эр ҳам юмшайди. Ахир «жон» десанг дард демайди-ку. Дард десанг албатта «бало» дейди. Эрак зоти бамисоли лой, кўнглини топиб истаган шаклни ясаш мумкин.

— Кибриё опа, домлага нима деб мурожаат қилардингиз!

— Жонгинам, ё жони ширин... Ешларга яна шуну уқдирардимки, ҳеч қачон ўзларингизни эрларингизга пардозсиз кўрсатманглар.

— Домлани алла айтиб ухлатар экансиз. Агар мумкин бўлса ана шу аллаларингиздан айтиб берсангиз!

— Менинг аллаларим ўқиб юрган шеърларим эди. Устоз чарчаган вақтда шеър эшитиб дам оларди...

— Ўта рашкчи бўлган экан, шу ростми!

— Халқда «ишқи йўқ кесак, рашки йўқ эшак» деган мақол бор. У киши ниҳоятда бадрашк, ўз иборалари билан айтганда «рашшоки» эдилар. Лекин рашкни ҳеч хунугини чиқармаганлар. Бир кун қайсидир нашриётнинг директори билан бosh муҳаррири келиб қовди. Уларнинг суҳбатига аралашиб қолибман. Меҳмонлар кетгандан кейин: «Биз хотинни улгуржи (кўтарасига) олганмиз» — дедилар жиммайиб. Шу бўлди-ю бировнинг олдида шакаргуфторлик қилган эмасман.

назаримда аёл ҳаётим осойишта ўт-



Бир мартаба менинг номимни олиб чақирганлари, ёхуд кабинетларига кирганимда «Ҳа келинг» деганлари йўқ. «Қани ўтиринг, нима эшитамиз» деб жой кўрсатганлар. Яна камтар ва самимийликлари менга жуда ёқарди. Емон сўзларни ҳам яхши қилиб сўзлардилар. Муҳими, бу билан демокчиликни эр-хотин ўртасидаги парда кўтарилмаслиги керак...

— Пазандалигингиз ҳақида бир-икки оғиз гапирсангиз!

— Менинг назаримда аёл кишининг биринчи фазилати ширинсуханлик, иккинчи фазилати — пазандалик.

12 ёшимда дадамдан ўрганиб илк бор ош қилганман. Дадамни бир аjoyиб хислатлари бор эди. Нима иш қилсам роса мақтарди, кейин секин-

тўпламини яратиш устида кечаю-кундуз иш олиб бораёяман.

— Ўтган умрингиздан мамунми-сиз!

— Жудаям. Мен Абдулла Қаҳҳор вафотидан кейин узоқ яшамасам керак, деб ўйлаган эдим. Йўқ, ундан қолган нурли хотира, у бошлаган ишларни чаласини битириш мени ҳаётга, яшашга яна қайтарди. Инсон оз бўлса-да, кўнглидаги одам билан яшаса ўша лаззат, ўша бахт унга бир умр татийди. Устозсиз йигирма йилдан бери яшаётган бўлсам ҳам ундан қолган ширин хотиралар мени бир сония ҳам тарк этгани йўқ.

Дилбар РАҲИМ қизи гурунглашди

Бosh муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР

Дадахон ЁҚУБОВ, Фарҳод РЎЗИЕВ,

Муҳаббат ИБДООВА, Ҳалим САЙИД

[bosh муҳаррир ўринбосари], Ботир

ЭРНАЗАР (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Зокир УБАЙДУЛЛАЕВ, Рўзимат САФОЕВ,  
Абсалом УСАНОВ, Абдумуталиб РИЗОКУЛОВ,

Муассис: Ўзбекистон Республикаси болалар жамғармаси.

Газетамиз ҳомийси Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармасининг «Чинор» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Таҳририят келган хатларга езма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташиқлотлар ўртасида воеитачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар «Оила ва жамият» дан деб кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700029, Мустақиллик майдони, 1-бино.

Телефон: 39-43-95

Нормурод МУСОМОВ навбатчилик қилди

Обуна индекси -64654

Рўйхатга олиш №33

Бўюрмат №9-965, 34584 нусхада чоп этил-

ди. Офсет усулида босилди. Формати А-3,

ҳажми, 2 босма табоқ.

1 2 3 4 5 6